

# **Олий Мажис Қонунчиллик палатаси депутати иштирокида давра сұхбати үтказилди**



Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, шунингдек, янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси тарғиботини олиб бориш мақсадида бугун Термиз туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими мажлислар залида давра сұхбати үтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси депутати Ботир Мардаев иштирок этиб, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда бошқа масъул иштирокчиларга қонунчилликдаги янгиликлар, янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти борасида тушунтиришлар берди.

Депутат Меҳнат кодексини янги таҳрирда қабул қилиш зарурати ҳамда ундан янги нормалар тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди.